

ИШОНСН

УМУММАМЛАКАТ МАРАФОНИ

Намангандан йўлга чиқди

Ўзбекистонимизда катта байрам ва саналар олдидан умуммамлакат марафони ўтказиш аънаънага айланган бормоқда. Кечаги яшанба Наманган шаҳрида катта спорт тадбири — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган умуммамлакат марафони республика босқичига старт берилди. Шу муносабат билан тадбир бошлангани олдидан вилоят марказидаги Конституция майдонида тантанали йиғилиш бўлди. Унда вилоят ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Икромхон Намиддинов қатнашди.

— Кейинги йилларда турли саналарга бағишланган спорт тадбирларини Наманган вилоятида ўтказиш аънаънага айланган бормоқда, — деди у. — Бойси шундаки, вилоятда бошқа соҳалар қатори спортда ҳам арзирли ютуқларга эришилмоқда. Биргина мисол, 2006 йил давомида вилоят спортчилари республика, халқаро ва жaxon миқёсида ташкил этилаётган спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб, муносиб натижаларга эришмоқдалар. Шу кунгача 117 та олтин, 219 та кумуш, 258 та бронза медаллар кўлга киритилганлиги, 11 нафар жaxon чемпиони, 5 нафар халқаро тоифадаги спорт устаси, 8 нафар спорт устаси етишиб чиққанлиги бунинг далилидир.

ортиқ спортчи иштирокида ўтказилган кик-боксинг спорт тури бўйича III жaxon чемпионатида вилоятдан 32 нафар спортчи катнашди ва 10 нафари барча рақиблар устидан соф галабага эришиб, биринчи ўринни эгаллади ҳамда вилоят тарихида илк бор 10 нафар спортчи жaxon чемпиони деган юксак унвонга сазовор бўлди.

2006 йилнинг 2-6 ноябр кунлари Қозоғистон Республикасининг Алматы шаҳрида 41 та давлат спортчиси иштирокида ўтказилган «белбоғли кураш» спорт тури бўйича V жaxon чемпионатида вилоятдан иштирок этган Рустам Умаров барча рақиблари устидан соф галабага эришиб, иккинчи марта жaxon чемпиони унвони соҳибига айланди.

Эрталаб соат 8.00 да водийдаги уч вилоятнинг ҳар биридан 15 нафардан спортчи (уларнинг бевосита югурадигани 12 нафардан) иштирок этаётган 45 спортчи старт берилди. Улар Наманган шаҳридан Андижон вилоятига қараб йўлга чиқди.

Марафон иштирокчилари эзгу тилаклар билан кузатиб қолинди. Марафонни бош ҳакам Мухсин Олимов назорат қилиб бормоқда.


Марафон қатнашчилари шу кун Андижон вилояти марказига етиб келишди. Сўнг улар Фарғонада бўлишди ва Қамчиқ довоми оша Тошкент вилоятининг Ангрэн шаҳрида тўхташди. Бу ерда эса уларга мамлакатимизнинг бошқа бир қатор вилоятлар спортчилари қўшилган, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд ҳамда Бухоро шаҳарларига қараб марафонни давом эттиришди.

Марафон 8 декабр — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини Хоразм вилоятининг Хива шаҳрида поёнига етди.

Марафон қатнашчилари шу кун Андижон вилояти марказига етиб келишди. Сўнг улар Фарғонада бўлишди ва Қамчиқ довоми оша Тошкент вилоятининг Ангрэн шаҳрида тўхташди. Бу ерда эса уларга мамлакатимизнинг бошқа бир қатор вилоятлар спортчилари қўшилган, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд ҳамда Бухоро шаҳарларига қараб марафонни давом эттиришди.

Марафон 8 декабр — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини Хоразм вилоятининг Хива шаҳрида поёнига етди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати саққизинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саққизинчи ялпи мажлиси 2006 йил 30 ноябр кунини эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2006 йил 29 ноябр кунини соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойвасида рўйхатга олинади.

«Тошкент ёг-мой комбинати» Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган истрёмол ёғи, маргарин ва майонез маҳсулотлари сифатлиги ва экологик тозаллиги жиҳатидан аҳолига манзур бўлмоқда. Хорижий ҳамкорлар билан биргаликда амалга оширилган технологик асос-ускуналари янгиланиши «Менинг орашим» тамғаси остида чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширди.

«Хомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастури бўйича «Меҳрибонлик уйлари», шифохоналар, болалар боғчаларига жами 297 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ҳамкорликда фаолият юритиб, ишчи-ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини биринчи ўринга қўтаргани қувонarliдир.

Суратларда: корхона ишчи-ходимлари фаолиятдан лавҳалар.

Икром ХАСАНОВ
олган суратлар.



КОНСТИТУЦИЯ ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ИМТИЁЗЛИ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАРИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг асосий халқаро ҳуқуқий ҳужжати бўлган 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 25-моддасида ижтимоий таъминот ва ижтимоий мадад олиш — инсоннинг муҳим ҳуқуқларидан бири эканлиги ҳамда ҳар бир давлат ўз фуқароларига белгиланган қўйилган нормалардан паст бўлмаган даражада ижтимоий таъминот беришига мажбурлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти, суверен давлат сифатида БМТнинг юқоридаги Декларациясини 1991 йил 30 сентябрда ратификация қилди ва ундаги инсон ҳуқуқларига оид мажбуриятларини бажаришнинг ўз зиммасига олди.

Ўзбекистон ўзининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилган бош қонуси — Конституциянинг 39-моддасида ҳар бир фуқаро қаринда, меҳнат қобилиятини йўқотганда ёки бовқучисиз қолгани ҳолда давлат ижтимоий таъминоти олишига ҳақли эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

лан таърифланганда ёшга доир пенсиялар пенсия таъминоти-нинг асосий шакли саналиб, бугунги кунда 1,9 миллионга яқин фуқаро ушбу пенсия турини оладилар. Шу ўринда айтиш керак бўлса, ёшга доир пенсиялар ўз асосига кўра умумий асосдаги ҳамда имтиёзли шартлар билан тайинланган пенсияларга бўлинади.

Маълумки, умумий асосдаги ёшга доир пенсиялар одатдаги меҳнат шартлоарида ишлаб, белгиланган ёшга (эркаклар — 60, аёллар — 55 ёшга) етган ҳамда тегишли миқдордаги меҳнат стажига эга бўлган (эркаклар ҳамда аёллар 25 йил, аёллар эса 20 йил) фуқароларга тайинланади. Шунингдек, оғир ва ноқулай меҳнат шартлоарида ва бошқа ноқулай вазиятларда меҳнат қилган шахсларга имтиёзли шартлар билан ёшга доир пенсиялар тайинланади ҳам қўзда тутилган.

(Давом 3-бетда)

Нўқтаи назар

Президентимиз халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгаши-нинг навбатдан ташқари сессиясида таъкидлаганларидек, «...турли раҳбарлик вазифасида ўтирганлар одамларнинг ҳаётини интиштирилган, дарду ташвишларига совуққонлик билан қараб, қўл-оёғимизни инсиз боғлаб қўйган эски қолип-лардан чиқиб кетиш учун етарли ҳаракат қилмаяпти».

Ҳозирги замоннинг раҳбари эл-улус оқсоқли, кайвониси. Халқ ишонч билдирган ҳар бир кишининг сўзи билан иши, тили билан дили бир, юртдошлари ташвишини ўз ташвиши деб ҳис этган, изланувчан, эзгу, камтарлик ва оддийлик фазилатларини қалбига, ички олами ва ташқи қиёфасида муҷассамлаштирган бўлиши керак. Юксак малака маданиятига эга, ақл-идроқли, диёнати, адолатли, инсофли ва ориятли, бағрикенг ва талабчан раҳбарнинг маънавий ҳолати, иш юритиш сифатлари у бошчилик қилаётган жамоа ходимларига ҳам ўтади.

Яқинда Тошкентдан, республика газеталаридан бирининг мухбири келди. Вилотдаги йил-рик бир уюшма раиси билан кадрдон эканлиги, унга учрашиб айрим муаммоларни ҳал этиши лозимлигини айтиб, ҳамроҳлик қилишини сўради. Йўқ дедим. Холбуки, уша номдор раҳбарнинг қалондимоғ, манман, одамларга нописанд эканлигидан хабардор эдим.

Корхонага кириб кетган мухбир дўстимни икки соатча кутдим. Чикавермагач, қабулхонага кирсам, ҳали ўтирибди.

— Бор эканларми? — сўрадим илгаридан таниш ёрдамчисидан.

— Вилот ҳокимлигида ўтказилган «селектор» йиғилишида катнашаптилар.

Меҳмон билан йиғилиш чўзилишини, бошқа умумлар билан шуғулланиш лозимлиги ҳақида маслаҳатлашиб турганимизда

Кўзингизга тик қараб сизни лажилатаётган ёрдамчисинг бундай нописанд, ёлғонни сув қилиб ичадиган ходим сифатида шаклланишига аввало раҳбарнинг масъулиятсизлиги, танбаллиги ва қаландимлиги сабаби. Демак, амалдорнинг ўзи ҳам халқ ҳаётидан, реал воқеядан узилиб, ҳузур-халоватини ўйлайдиган, беғам ва лоқайд бўлиб қолган. Бундайлар ўзидан пастдагиларни қанчалар тепкилаб ўтса, ўзидан юқори турадиган амалдорларга етти буқилиб, таъзим бажо келтирди, ҳушомадгўйлик ва баланддаражада гаплар билан уларнинг кўйини ҳам пуч ёнғоққа тўлдиради.

— Вилот ҳокимлигидан рўхсатсиз ҳеч қандай маълумот бера олмаймиз, — деди у. — Ўзим топшириқ билан Миришкор туманига кетаяпман.

Афсусланарлиси, дўстимнинг тушгача вақти бекор кетгани бўлса, уюшма раиси ўринбосарининг Ўзбекистон Республикасининг мухбирини ахборот воситалари тўғрисида, «Журналистлик фаолиятини химоя қилиш тўғрисида», «Ахборот эркинлиги прин-циплари ва кафолатлари тўғриси-да»ги қонуларидан бехабарлиги эди. Катта раҳбар ёрдамчиси, чи-роқли кийинган, ақлу ҳуши жой-ида, сермулозабат мулозимининг кўзини лўқ қилиб ёлғон гапиргани руҳиятимизга жуда ёмон таъ-сир қилди. Мақомадаги «лўтти-воз» нафақат бизни, идорага те-лефон орқали сим қоққан ўнлаб кишиларни ўзининг ёлғонлари билан алдаб, виждони қўйналма-ганига ҳайрон қолдиқ.

IV қурултой қарорлари — ҳаётга

Касаба уюшмасига аъзолик афзаллиқларини асос-лаш муаммоси тобора долзарб аҳамият касб эт-моқда. Шу боисдан ҳам етакчилар меҳнат жамоа-ларида тез-тез бўлиб, меҳнатқашлар оmmasига бун-ки тарғиб этмоқдалар. Тошкент шаҳар маданият ходимлари касаба уюшмаси кенгашининг навбат-даги пленумида ҳам шу нарсга алоҳида эътибор қаратилди. Кейинги вақтдаги саъй-ҳаракатлар на-тижасида 57 та янги ташкилот кенгаш сафига қабул қилинди. Уларнинг 27 таси нодавлат секторидagi корхоналарнинг, 30 таси давлат кўтарарли бўлса, кенгаш тизимидаги ташкилотлар сони 304 тага етиб, аъзолар сони 35 минг 959 нафарни та-шкил этди.

Шунингдек, шаҳар кенга-ши томонидан Ўзбекистон Республикаси Бадийётлар академияси, акционерлик жамиятлари ва бошқа бир қатор корхона, ташкилот-ларда бу борада изчил иш-лар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон матбу-от ва ахборот агентлиги ти-зимидagi корхоналарда жон-ланлиш кўзга ташланмоқда.

Шаҳар кенгашида аъзо-ликка асослашнинг турли шаклларида фойдаланил-моқда. Улардан бири каса-ба уюшма ташкилотидан ёки бевосита касаба уюшма та-шкилоти орқали моддий ра-ваблар уюштиришдир. Шу билан бирга, шаҳар кенга-ши бошланғич касаба ую-шма ташкилотлари билан ҳам-корликда иш ҳақи ўз вақти-да берилиши учун иш бе-

кўп болали оилаларга 3 ми-лион 905 минг сўм маблағ та-рқатилди. 949 нафар пен-сионерлар ҳамда 59 нафар но-гиронлар ҳам мана шундай имтиёزلардан фойдаланиш-ди.

Аъзоликка жалб этишин-яна бир усули иш бевури-нинг ноқонуний ҳаракатлар-дан меҳнатқашларни химоя-лашдир. Бу борада ҳам ша-ҳар кенгашида бир қатор иш-лар амалга оширилмоқда. Ма-салан, Ўзбекистон Респуб-ликаси Бадийётлар академияси-

2005 йил ва 2006 йилнинг ўн ойи давомида меҳнат шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, бошқа бир қатор масалалар бўйича меҳнатқашларга 84 та маслаҳатлар ва тушунириш берилди. Шу билан бирга кенгашга мурожаат қилган аъзоларнинг ҳуқуқларини тас-диқлайдиган ҳужжатлар тақ-дим этилди.

Аъзоликка асослашнинг учинчи шакли касаба уюш-малари фаолиятига эътиборни ошириш, яъни меҳнатқаш-ларда ўзлари ишлаб турган корхонада касаба уюшма қўмитасини ташкил этиш учун

осон кечмаяпти. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 1-мо-ддасида корхоналарнинг мулкчилик шаклидан қатъи назар меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахс-ларнинг меҳнатга оид му-носабатлари ушбу ҳужжат орқали тартибга солиниши айтиб ўтилган. 22-моддаси-да эса иш бевуричлар бил-ан бўлган муносабатларда касаба уюшмалари ҳуқуқла-ри қонун ва жамоа шартно-малари асосида белгилани-ши таъкидланган. Демак, нодавлат секторидagi кор-хоналарда жамоа шартнома-си аъзоликка асослашнинг ягона усулидир. Шу туфай-ли унинг имкониятларидан тула-тўқис фойдаланиш за-рур.

Ва ниҳоят, тўртинчи шакл — моддий рағбатлантири-ш. Асосий ишдан озод этилган касаба уюшма ходимлари рағбатлантири-шга муҳтожлар. Чўки улар ўз фаолиятлари давомида ёнларидан маблағ сарф-лашга мажбурлар. Ушбу ҳолат фаолларнинг касаба уюшма фаолиятидан бош тортишига олиб келиши му-мкин. Шу боим ҳар ҳаракат-ларни устам ҳақ тўлаш ёки мукофотлар орқали қоллаш лозим.

Лекин касаба уюшма та-шкилотларини тузиш нодавлат секторидagi корхоналарда

муҳим масалаларни кўриб чи-қатган экан. Салом-алиқдан ҳис-са қўлимдаги қозғонни узатдим. Бош-лиқ эриммасдан ўқиб чиқди ва имзо чекди.

— Туман раҳбарига йўқ деган эдим, — деди отахон муллоий охонга. — Майли, редакция учун керак экан, тўғридан-тўғри ба-ланслашингга берамиз.

Шу ёрнинг ўзида мутасадди-ларга топшириқ берди. Уша кун-и қарор чиқарилиб, бино тасар-руфимизга ўтди. Ҳозирги пайтда ҳам туман газетаси тахририяти ва босмахонаси ана шу замонавий бинода жойлашган.

Султон Чегобоев кўп миллат-ли жамоани моҳирлик билан бо-шқарадиган содда, тўпори, айна пайтда каттиққўл ва талабчан ин-сон эди. Республика Олий Кен-гаши депутатлигида муқобил ном-зоди кўрсатилганида қаршилик-лар шу маҳалладан чиққан ки-шини сайламасдан Султон Чеге-боевга яқдиллик билан овоз бер-ганларнинг моҳиятини анди ту-шундим. Тўғри сўз, диёнати, кат-та-кичка бирдек меҳрли, бағ-рикенг бу инсонни ҳозир ҳам қашқадарёликлар ҳурмат билан эслайдилар.

Вилотимиз иқтисодий-ижти-моий ривожига салмоқли ҳисса қўшган Соиб Усмонов, Раим Раҳмонов, Фармон Омонов син-гарилар ҳаётдан ўтиб кетган бўлсалар ҳам юртдошлари ҳам-и миннатдорлик билан хотир-лайдилар. Бугунги кунда ёшлар тарбияси йўлида жон қуйдира-ётган Исом Жалилов, Январ Иноят, Эсон Ражабов, Акрам Акбаров, Ҳайит Жониев, Тошпў-лат Соатов, Рустам Очиллов, Али-мур Султонов, Муродулла Тур-димуродов қабиларни бир сўзи-н, талабчан, айна пайтда ваъдаси-га вафодор, ҳалол ва фидойи раҳбарлар сирасига киритиш мумкин.

Адолатли, ҳуқуқий демократик

КАСАБА УЮШМА АЪЗОЛАРИ

имтиёзларидан хабардормисиз?

да академикотиба вазифасини бажарувчи Э. Мусина билан меҳнат шартномаси ноқонун-ий равишда бекор қилинган. Кенгаш мутасаддисларнинг изчил фаолиятлари натижаси-да у ўз вазифасига қайта тик-ланди.

«Ўзбекистон энциклопеди-яси» нашриётида ҳам икки ёшлик фарзанди бўлган С. Исломова ишдан ноқонуний бўшатирилган. Амалдаги қонун асосида у ҳам айна пайтда ўз вазифасида фаолият кўрсатяп-ти.

рувчиларнинг масъулиятлари оширилмоқда. Жамоа шарт-номаларини тузиш ҳамда унинг ҳар бир банди тўлақон-ий бажарилишини таъминлаш учун кўпгина чоралар кўрил-моқда.

Хомийлар ва шифокорлар йилида тармоқдаги 120 та корхоналарда иш бевуричлар ҳамда касаба уюшма таши-лотлари ҳисобидан 339 та кам таъминланган оилаларга 6 миллион 480 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 94 та ташкилотларда 201 та

рағбат уйғотишдир. Бунинг натижасида ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан химоялаш ишлари яхши йўлга қўйилган ташкилотлардагина амалга ошириш мумкин. Бунинг учун тажриба алмашиш илмий-амалий анжуманларини кўпроқ ташкил этиш зарур. Уларга ташкилот тузилмаган корхоналар вакилларини тақ-лиф этиш яхши самара бера-ди.

Лекин касаба уюшма та-шкилотларини тузиш нодавлат секторидagi корхоналарда

давлат ва тенгликка асосланган фуқаролик жамияти шаклланаёт-ган даврда раҳбарнинг масъули-ятини янада ортади. Эл-юрт таш-виши билан яшаш, одамларнинг ораву-имидлари, интиштирилган қанот бериш ҳар бир раҳбарнинг муҳаддас бурчи. Ҳозирги раҳбар нафақат ташаббускор, ишбилар-мон, ташкилотчи ва тадбиркор, балки маънавият ва маърифат, миллий истиқлол мафқураси тарбияotchиси, ёшларнинг тарбия-чиси ва мураббий сифатида ҳам фаолият кўрсатиши лозим. Раҳ-бар қанчалик тажрибали ва ўқимшли бўлмасин, у қалонди-моғ, мактанчок, лаганбардор бўлса, элда обрў-эътибор топ-майди.

Ҳадиси шарифда таъкидлан-ганидек, раҳбарликнинг мақоми эл-юртта оталиқдир. Оқил ота до-имо фарзанди қалонлини ўйлай-ди. Президентимизнинг «Миллий фоя тарғиботи ва маънавий-маъ-рифий ишлар самардорлигини ошириш тўғрисида»ги қарориди қўрсатиб ўтилганидек, ватанимиз мустақилигининг маънавий асо-сларини мустаҳкамлаш, миллий кадриятларимиз асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса ёш авлод қалби ва онига она юртга му-ҳаббат, истиқлолга садоқат тўй-ғуларини чуқур сингирдиш маса-ласи бугунги кунда тобора дол-зарб аҳамият касб этмоқда.

Ватан ҳисси, Ватан туйғуси, эртанги ёруғ кунлар ораси бил-ан яшаш, ҳалоллик ва адолат билан иш кўриш, меҳр-муруват кўрсатиш, одамийлик, элнинг қувонч-ташвишларига ҳамнаф-слик, кишилар қалбига йўл топши-кунда-кичиқ ҳар бир раҳбарнинг қатнашли фаолиятига айланган жойда иш бароридан қолавера-ди.

Иззат ХИҚМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

РАҲБАР БЎЛИШ ОСОҢ ЭМАС

Бундай воқеалар кўп учрайди. Чўл туманларидан бирининг ҳоки-ми билан учрашиб ниятида маҳ-камага бордик. Напста шифёри билан сўзлашганимизда шу ерда эканлигини айтиди. Юқорида эса ҳали 25 ёшга ҳам тўлмаган ёрдамчиси «Вилотдан келган раҳбар билан чиқиб кетганлиги-ни» билдириб, лақиллатмоқчи бўлди.

Таваққилига эшикни очиб хо-насига кирсақ, газета ўқиш би-дан машғул. Бўлган воқеани ай-тганимизда, анча ўнғайсизланди ва ёрдамчисини чақириб қойиб бошлади.

дамига балли! Хонасига кирдим. Ёрдамчи қўлимдаги диктафоним-ни кўрган эди. Бошлиқ билан суҳбатлашиб турганимизда раҳ-барнинг қулониға пичирлагани шундоққина хонага эшитилди:

— Эътиёт бўлинг, диктафони бор.

бўлса ҳам бир воқеа ҳамон ёдим-да. Нишон туман газетасида иш-лар эдим. Редакция биноси Ус-мон Юсупов номли ҳужаликда жойлашган, иш шароити ҳамин-чадир.

Вилот матбуот бошқармаси-дан хат тайёрлатиб, «Қаршиқу-ри-лиш»га йўл олдим. Қабулхона тирбанд. Қўтиб турсангиз, кенга қадар ҳам қира олмайсиз. Ёрдам-чининг кўзини шамғалат қилиб бошлиқ Султон Чегобоев ҳузур-ига кирдим. Муовинлари билан

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Қизғин мунозаралар билан ўтаётган мажлисларни эҳти- мол, сиқик ахборот тарзида баён этса бўлар, аммо беихти- ёр, ҳар бир депутат мулоҳазаларини мушоҳада қилиб, маса- ла моҳиятини эркин очиб бергинг келади.

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Юртбошимиз таъкидлаганидек, кенг маънодаги миллий хавфсизлик узлуқсиз ҳолат, ҳадсиз-ҳудудсиз бўлиб, ҳар бир минтақанинг беҳавотир яшаш муаммо- ларини, ҳар қандай мамлакатнинг таҳдид манбаларини билиш, ҳаётий аҳамиятга эга бўлган миллий манфаатларни ҳисобга олишни тақозо этади.

Ҳадемай биз 14 йилгини нишонлаётган Конституциянинг 17-моддасида «Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида итти- фоклар тузиш, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатларро тўзимларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин», — дей- илади.

Демакки, ҳар бир давлат у ёки бу ҳал- қаро таъминотга аъзо бўлишни фақат ўзи белгилайди.

Ратификация қилиш масаласи қўри- лётган коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома 1992 йил 15 майда Тошкент шаҳрида имзоланган ва 1994 йил 20 апрелда қўл қўйган. Ўзи коллектив хавф- сизлик деганда нимани тушунамиз? Бу барча давлатларнинг ёки маълум минта- қада жойлашган давлатларнинг тинчлик- қа таҳдид солишинг олдини олиш, аг- рессия харакатларини бартараф этишга қаратилган биргаликдаги чора-тадбирлар мажмуидир. Аммо, афсуски, 1999 йилда бошимизга сал мушкуллик тушганда юр- тимиз манфаатини ҳимоя қилишни сўраб қилган муражатимизни жавобсиз қол- дирганлиги боис аъзолгимизни тўхтат- ган эдик. Бу даврда у муайян босқинчи босиб ўтди. Коллектив хавфсизлик Кен- гаши қарорига мувофиқ ташкилот қай- та ташкил қилинди. Депутат А. Саидов таъ- кидлаганидек, 2003 йил декабр ойида БМТ котибиятида рўйхатга олинди, таш- килий ва ҳуқуқий жиҳатдан шаклланган кўринишга эга бўлди.

Мазкур ташкилотга кириш бўйича бар- ча халқаро ҳуқуқий процедуралар амалга оширилган ва бу тадбир диверсиянинг миллий манфаатларига тўла жавоб бера- ди.

Ҳозир бу ташкилотга Арманистон, Бе- лорус, Қозғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон аъзодир.

Депутатлар Ўзбекистон Конституци- ясининг 78-моддаси, «Халқро шартнома-

лар тўғрисидаги Конуннинг 14- моддаси, КХТШТ баён номаси- нинг 3- модда- сига асосан 2006 йил 16 ав- густда Сочи шаҳрида имзоланган Ўзбеки- стон Республикасининг Коллектив хавфсиз- лик тўғрисидаги шартнома ташкилоти аъзо- лигига тикланиши ҳақидаги баённомани ра- тификация қилишга ақидиллик билан қарор қилдилар. Зеро, халқ вакиллари қайд эт- ганларидек, бу нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки халқро даражадаги хав- фсизлигини таъминлашга қаратилган муҳим бир сиёсий ҳужжатдир.

ИЛМ-ФАН РАВНАҚИ УЧУН

Солиқ кодексининг 71-моддасига ўзгар- тириш киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Ре- спубликасининг Қонуни лойиҳаси мамлакат- ни иқтисодий-ижтимоий ривожланиши, фан-

МУҲОКАМАДАН — МУЛОҲАЗАГА

нинг ролини кучайтириш, илмий-тадқиқот ва технологияни, конструкторлик ишлар да- ражасини янада юқори кўтаришга қаратил- ган.

Ўзбекистон Республикаси Президентин- инг 2006 йил 7 августдаги «Фан ва тех- нологияни ривожлантириш ва бошқаришни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўри- сида»ги Қарориди фундаментал ва амалий тадқиқотлар ва инновация ишларини мо- лиялаштириш манбалари этиб, бюджетдан ташқари фондлар, хомийлардан тушган маб- лағлар ва ҳўжалик субъектлари билан ил- мий-тадқиқот ишларини ўтказиш бўйича ту- зилган шартномалардан тушган маблаглар сарфланиши белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, амалдаги Солиқ кодексининг 71-мод- даси 14-бандида давлат контрактлари асо- сида бажариладиган илмий-тадқиқот ва ин- новация ишлари, яъни грант бўйича бюд- жет маблаглари ҳисобидан молиялаштириш ишларига имтиёзлар бериш назарда тутил- ган.

Бошқа манбалардан келиб тушадиган маблаглар бўйича имтиёзлар бериш на- зарда тутилмаган.

Янги йилги солиқ сиёсатининг асосий йўналишларида қорхоналарнинг қолқ юки- ни пасайтириш мақсадида бир қатор со-

лиқлар қамайтириляпти ҳамда бир қанча имтиёзлар бекор қилинапти. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 сен- тябр «Бюджет ташкилотларини молиялаш- тириш тартибини тақомиллаштириш тўри- сида»ги қарорининг 4- бандида юридик ма- комага эга бўлган бюджет ташкилотлари да- ромад манбалари ишлаб чиқариш ва товар- ларни кенгайтириш ҳисобиди қўшимча да- ромад олишни мақсадга мувофиқ деб то- пиб, ундан олинган қўшимча даромадлар 2007 йилда давлат бюджетига тушадиган барча йиғимлардан озод этилган.

Статистик маълумотларга кўра, 2005 йил- да илмий соҳада 876 та қорхона фаолият кўрсатган бўлиб, улардан 254 таси илмий- тадқиқот ва инновация ишларини бажарган. Шу билан бирга 2005 йилда илмий техни- кавий дастурлар доирасида давлат бюрт- малари бўйича 11,2 миллиард сўмлик иш- лар бажарилган. Шундан 10,6 миллиард сўми ёки 94,6 фоизи 238 та бюджет ташки- лотлари томонидан, 5,6 фоизи эса 16 та ҳўжалик ҳисобидида қорхоналар ҳисобидан бажарилган. Натижада 354 та илмий-тадқи- қот, конструкторлик-технологик қорхонадан 19 таси 892,5 миллион сўм қўшимча қиймат

солиғидан озод қилинган, қолган 235 та қор- хона кичик бизнес субъекти бўлгани учун ягона солиқ тўловини амалга оширган.

Илмий соҳада фаолиятни амалга ошира- ётган 622 та қорхона қўшимча қиймат соли- ги бўйича тўловни амалга оширади, аммо бажараётган ишлари илмий-тадқиқот ва ин- новация амалиётларига кирмайди. 2005 йилда 4,2 миллиард сўмлик ана шундай иш- лар бажарилиб, 840 миллион сўм ва 2006 йилнинг биринчи ярмида 6,5 миллиард сўмлик ишлар бажарилиб, 1,3 миллиард сўм қўшимча қиймат солиғи тўланган.

Бир қатор ҳамдўстлик мамлакатлари, жумладан, Қирғизистон, Озарбайжон, Укра- ина Республикалари қонунларида илмий- тадқиқот, тажриба, конструкторлик ишлари- ни амалга оширадиган ташкилотларни қўшимча қиймат солиғидан озод этиш назарда тутилмаган. Қозғистон Респуб- ликасида давлат бюртмаси бўйича ил- мий-тадқиқот олиб бораётган қорхоналар бундай солиқдан озод этилган.

Ууллас, бизнинг азиз диверсияда дав- лат бюдjeti томонидан таъминланадиган барча илмий-тадқиқот ва инновация иш- лари қўшимча қиймат солиғидан озод эти- лади. Депутатлар таъкидлаганларидек, бу қонун лойиҳаси фан соҳасидаги бошқа- рвни тўдан яхшилаш, илмий-тадқиқот

ишларини рағбатлантиришга хизмат қила- ди.

Назаримда, кейинги кўрилган масала қай жиҳатдан юқорида муҳокама қилин- ган масалага боғлиқдир... Зив, Ақл, Та- факкур, Шахс соғлиги, баркамоллиги...

ТУЗИНГ БЎЛСА ЙОДЛАНГАН...

Ўзбекистон Республикасининг «Йод этишмаслиги касалликлари профилактика- си тўғрисида»ги Қонунининг дунёга ке- лаётгани ҳаётий зарурат.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ош тузи ва озуқа тузларини йодлаш шартли- ги ҳам мазкур Қонунни қабул қилишни тақозо этмоқда.

Дарвоқе, профилактика... Ажнабий ту- юлган бу сўз замирида нима ётибди? Тиб- бий адабиётларда касалликларни вужуд- га келиши ва тарқалишининг олдини олишга, аҳоли соғлигини сақлаш ва муста- тахкамлаш ҳамда жисмоний ривожланти- ришга қаратилган тадбирлар йиғинди- си дейилади. Бу том маънода мазкур қонун моҳиятини ҳам ифодаляди. Туғи- лаётган қонун Ўзбекистон Республикасин- инг «Фўқароларнинг соғлигини сақлаш тўғрисида»ги, «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги қонунларига ҳамоҳанг- дир.

Мазкур қонун лойиҳасини яратишда жаҳоннинг кўп давлатлари, жумладан, му- стақил ҳамдўстлик давлатлари тажриба- си, жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти- нинг тавсиялари эътиборга олинди.

Қонун ижросини таъминлаш соҳасида давлат органлари вазифалари ҳам аниқ белгилаб қўйилди.


Қонун талабларини бузганлар Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодек- сларнинг тегишли моддалари асосида жа- вобгарликка тортилдилар. Мазкур қонун қўчга кириши билан қатор қонуности ҳуж- жатларига ўзгаришлар киритиляди.

Муҳокама жараёнида депутат Азамат Зиёевнинг билдирган фикрини маъқуллаб, шундай дегим келади: Қонунни аввал ўзбек тилида яратиб, сўнг бошқа тилга таржима қилган маъқулдир, ақл ҳолда, галати ан- глашловчиликлар бўлиши мумкин. Узок тортишувларни кузатарканман, ўзимча шун- дай хулосага келаман.

Мунозараларни турфа фикрлар уммо- нига гарк бўлиб тингларканман, қонун- ларимиз инсонга ғамхўрлик руҳига йўғри- лаётганидан мамнун бўламан. Ҳаёлим шо- хиға туюқсимон учлик келиб қўнади.

Тузинг бўлса йодланган, Хотиранг бўлса яхши, Эсда қолар ёдланган.

Довуд МАДИЕВ, «Ишонч»нинг Парламентдаги мухбири



— Эл саломатлиги йўлида ҳалол меҳнат қилиш мен учун катта бахт, — дейди Бўхоро вилоят клиник касалхонаси урология бўлимининг олий тоифали врач Раҳим ака Жўраев.

Дарҳақиқат, инсонга ғамхўрлик кўрсатиб, 41 йиллик фа- оляти давомида юзлаб, минглаб беморларнинг дардига маълам бўлган қўли энгил шифокор хамиша эл ардоғида. У ўзининг билимдонлиги, тажрибаси, ширинсўзлиги ва кам- тарлиги билан кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборини қозонмоқ- да. Шогирдларини ҳам шу йўлдан боришга даъват этиб келаяпти.

Суратда: уролог Раҳим ака Жўраев. И. ХОЖИЕВ олган сурат

Биздан сўраган эдингиз

Савол: баъзи ҳолларда касалхонамизда- ги кўпгина ходимлар ўриндошлик асосида уч соат қўшимча ишлашлари тўғри келади. Яъни улар бир ярим ставка ишлашади. Аммо ҳақ тўлашга келган- да ходимларнинг қўшимча ишлаганликлари эътиборга олинмайпти. Биз бу ҳақда маъмуриятдан сўраганимизда улар тайинли жавоб бериша олмади.

А. Яхшиев, Касби тумани

Жавоб: маълумки, ўриндошлик бўйича ишлаш билан боғ- лик бўлган меҳнат муносабатлари Меҳнат Кодексидида ҳамда 1998 йил 9 мартда тасдиқланган «Ўриндошлик бўйича иш- лаш шартлари тўғрисида»ги Низом билан тартибга солина- ди. Шунга кўра ходим асосий иш фаоляти билан биргалик- да иш берувчи ва касоба уюшма қўимтаси билан келишган ҳолда ўриндошлик асосида ишлаши мумкин. Уларга устама ва қўшимча ҳақ тўлаш ҳам ўзаро келишилган ҳолда амалга ошириляди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 де- кабрдаги «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашининг тақомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорда ва унинг иловаларида тиббиёт ходимлари учун назарда ту- тилган қўшимча ва устама ҳақларини ўриндошлик асосида ишлаётган ходимларга жорий этилмаслиги айтилган эмас.

Юқоридаги имтиёз давлат тиббиёт муассасаларида иш- ловчи ходимлар учун белгиланган бўлиб, нодавлат тиббий муассасалари бундай қўшимча ва устама ҳақ тўлаш масала- ларини ўзлари ҳал қилишлари мумкин.

Савол: мен 1973 йилдан бўён колхоз аъзоси эдим. 2003 йилда ширкат ҳўжалиги Фермер ҳўжалигига ай- лантирилди. Шундан сўнг ишсиз қолдим ва 5 ой мо- байнида туман меҳнат бўлиминидиан ишсизлик нафақаси олиб келаётган эдим. Эндиликда бу пулни тўхтатиб қўйишди. Шу бос тўғатилган ширкат ҳўжалигини 50 ёшда ҳам имтиёзли нафақага чиқшим мумкинми?

В. Жаббаров, Тошкент тумани

Жавоб: қорхона тўғатилган ёки шатлар қисқартирилган ҳолларда ишдан бўшатилган шахс пенсияга чиқши ёши ара- фасида бўлса — қонунда муддатидан олдин ёшга доир пен- сияга чиқариш ҳам кафолатланган. Бироқ бунинг учун фука- ро қорхона ва ташкилотлар тўғатилиши ёки ходимлар сони қисқариши туфайли ишдан бўшатилган кундан бошлаб 10 кун ичида яшаб турган жойидаги туман (шаҳар) меҳнат бўли- мида иш ахтарувчи шахс сифатида рўйхатга олинган бўлиши лозим. Шундангина белгилаб қўйилганидан 2 йил аввал (эр- қақлар 58 ёшдан, аёллар — 53 ёшдан) пенсияга чиқшилари мумкин. Демак, сизнинг ҳолатингизда ёшингиз 53 га етган ёки етмаганлигига қараб масала ҳал этиляди.

Саволларингизга ТДЮининг «Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя ҳўқуқи» кафедраси доценти Йўлдош ТУРСУНОВ жавоб берди

Гарчи, тарихан қисқа давр бўлса-да, ўзбек халқи ҳаётида оламшумул воқеа бўлган муста- қилликнинг қўлга киритилиши ва ундан кейинги йилларни бир кўз олдингизга келтириб кўринг. Бу вақт мобайнида мамлакатимизда не- не улугвор ишлар амалга оширилганини гувоҳи бўласиз. Асақдаги улкан автомобил заводи- нинг қурилиши, пахта, галла этиштиришдаги ютуқлар, нефт, электр энергияси сингари ўта муҳим соҳалардаги муваффақиятлар ёки республикамиз бўйлаб бунёд этиляётган сон- саноқсиз иншоотлар, халқимиз ҳаётига фермер деган тушунчаларнинг кириб келиши... Буларни узоқ санашимиз мумкин. Бинобарин, мамлака- тимиз ҳаётида бу йиллар туб бурилиш ясади, ижтимоий-сиёсий соҳадими, иқтисодий соҳа- дами бетимсол ютуқлар қўлга киритилди.

АҲИЛЛИК БОР ЖОЙДА БАРАКА ҲАМ БЎЛАДИ

Жорий йилда биргина Ўрта Чирчиқ туманида «Ҳомий- лар ва шифокорлар йили» Давлат дастури бўйича амал- га оширилган ишларни олайлик. Туманда мамлақати- миз раҳбарининг «Шахсий ёрдами», деҳқон ва фермер ҳўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбат- лантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида 197 нафар кам таъ- минланган ва кўп болали оилаларга соғин сағирлар бе- рилди. Бундан эса уларнинг кўнгли тоғдек кўтарилди. Сигирни ем-хашак билан таъминлаш кафолатланган бўлса, бу борадаги харажатлар учун банк микрокредит берса, ўша сигирга қарагани учун меҳнат дафтарчаси очилиб, мавриди билан бу меҳнат дафтарча бўйича пен- сия олиши тайин бўлса, бундан қимнинг боши осмонга етмайди?!

Пахта мавсуми давомида ҳам туман пахтакорлари-ю, теримчилари учун қатор қўлайликлар яратиб берилди. Ҳосилни уюшқорлик билан қисқа муддатда териб олиш учун самарали усуллардан фойдаланилди. Илгор терим- чилар далаининг ўзида ҳомийлар томонидан қимматбаҳо совғалар, пул мукофотлари билан тақдирлаб борилди.

Теримчиларни гуруҳларга бўлиб, улар ўртасида му- собакалар ташкил қилинди. Бу эса терим суратининг ошиб боришини таъминляди.

Туманда тадбиркорлик билан шугулланаётган саҳо- ватпеша ҳомийлар пахта йиғим-теримида ўрناق кўрсат- ганга 14 та мактабга компьютер совға қилди, ҳисоб рақа- мига 300 миғ сўмдан пул маблаглари ажратди. Шунин- гдек, улар кузги шудорлаш ишларида жонбозлик кўрсат- ган 87 нафар тракторчиға ҳам беш миллион сўм миқдо- рида ҳомийлик ёрдами кўрсатишди.

Ширкат ҳўжаликлари тўғатилиб, улар ўрнида фермер ҳўжаликлари ташкил қилинаётган бир пайтда туман фер- мерларининг барчаси касабга уюшмага аъзо бўлишмоқда. Бугунги кунда туманда фермерлар сони 440 тага етди. Туман АСМ ходимлари касабга уюшмаси раиси Элдор Сай- фуллиннинг таъкидлашича, фермер ҳўжаликлари мунта- зам равишда бир-бири билан тажриба алмашиб, ҳамқор- ликда иш олиб боришади. Бу эса қатор ютуқларнинг қўлга киритилишига асосий омил бўляпти.

Раимкул СУЯРОВ, «Ишонч» мухбири

ҚИШЛОҚДА ТУРМУШ МАДАНИЯТИ

Қишлоқ аҳолисининг яшаш шарт- шоритларини яхшилаш, уларга ҳар жиҳатдан қўлайликлар яратиш энг му- хим масалалардан бири сифатида дав- лат сиёсати даражасига кўтарилиди. Бу борада сезиларли ютуқларга эришил- ди. Лекин муаммолар ҳам талайгина.

Юртбошимиз Фарғона вилоятига бўлган сафари чоғида деҳқонлар, ме- ханкизаторлар, теримчи қизлар ва аёл- лар билан суҳбатлашиб, уларнинг яшаш шариотлари билан қизиқди. Шунингдек, қишлоқ инфратизимини яхшилаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни янада ях- шилаш зарурлигини айтиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари томонидан кўтарилган ушбу масалалар бўйича те- гишли тавсиялар ишлаб чиқиш мақ-

садида «Экосан» халқро ташкилоти Ўзе- бикистон Республикаси қишлоқ ва сув ҳўжа- лиги вазирлиги билан ҳамкорликда «Қишлоқда турмуш маданиятининг иж- тимоий-гигиени ва экологик жиҳатла- ри» мавзусида конференция ўтказди.

«ЭКОСА» ташкилоти томонидан таш- қил қилинган рейдлар натижаларига кўра бир қатор камчиликлар аниқланди. Жум- ладан, қишлоқ жойларда кўп ҳолларда уй таркибидидаги маиший объектларнинг тўғри жойлашуви қондалари ҳисобга олинмаган. Уй ҳайвонларининг ошхона ва яшаш жойларига яқин жойлашishi оила аъзоларининг касалланиши холат- ларини келтириб чиқармоқда.


Канализация тармоқлари, йирик то- залаш иншоотларининг ўрнатилиши ва яшаш туширилиши катта маблаг талаб

қилишини ҳисобга олганда, қишлоқ жой- ларда яқин вақт ичида уларни тўла бар- по этиш имкони етарли эмас. Лекин бу муаммоларни катта молиявий харажат- ларсиз ҳал қилиш имкониёлари мавжуд.

Бундан ташқари, аҳолининг кўп муд- датга фойдаланишига мўлжалланган то- варларни харид қилишларида кредит хиз- матини ташкил қилиш зарур. Чунки маи- ший маданият кўп жиҳатдан моддий холатга боғлиқ.

Конференцияда қишлоқ аҳолисининг тўғри овқатланиши, санитария-гигиена билимлари шаклланишида тиббиёт соҳа- си вакиллари, давлат ва нодавлат таш- қилотлари ҳамжиҳатликда иш олиб бо- ришлари зарурлиги таъкидланди.

Дилором АЛЛАКУЛОВА, «Ишонч» мухбири



Низомиддин Мир Алишер Навоий ўз ижодида тил масала- лари бўйича чуқур фикрлар айтиб, эстетиканинг ҳам муҳим жиҳатларини ёритиб кетган. Шоир қатор асарларида адаби- ётнинг ижтимоий вазифаси, унда шакл ва мазмун бирлиги, аъяна, тил, маҳорат, ижодкорнинг ахлоқ-оқоби каби масала- ларни кенг қамраб олган. Навоийнинг бу масалаларга муно- сабатлари кўпроқ унинг айрим шоирларга бўлган муносабат- лари билан ҳам боғлиқдир. Бу улуг шоирнинг масалаларга синчков ёндошганини кўрсатади ва биз ҳам Навоийнинг бу назарий фикрларини унинг амалий ишларига, шоирларга бўлган муносабатларига боғлаб ўрганамиз. Навоий адабий ижодга баҳо беришда кўпроқ турмуш ва тажрибадан келиб чиқиб ёндошади.

У, айниқса, бадий тилнинг шеърятда ўйнаган ўрнини та- дқиқ этганда, кўпроқ «сўз» ата- масини қўллайди. Умуман, шоир «сўз»ни кўп маъноларда ишлатган. У «сўз» деганда ало- ҳида ижтимоий категория бўлган тилини ҳам, фалсафани ҳам, бадий адабиётнинг ўзини ҳам тушунади. Шу боисдан ҳам у «Ҳайратул аброр»да шундай мисраларни келтиради:

«Маъдани инсон гуҳари — сўз дурри, Гултожи одам самари — сўз дурри».

Ҳатто, кўп ўринларда Наво- ийнинг бадийи восита санал- ган «сўз» билан адабий асар ҳақидаги назарий фикрлари ҳам аралашиб келади. Навоий ба- дий тилнинг киши онгига ижо- бий ва салбий таъсир кучи катта эстетик вазифани бажаришда муҳим эканлигини таъкидлайди. «Муҳокаматул луғатайн» номли тилшуносликка оид аса- рида шундай дейди: «Сўз ду- рининг тафовути мундин доғи бағоятроқ ва мартабаси мундин ҳам бениҳоятроқдир. Андоқки, шарифидин ўлган баданға руҳи пок етар, касифидин ҳаётиг танға захри халок хосияти зу- хур етар». Шоир «Ҳайратул аб- рор»да бу фикрини давом эт- тириб, шундай деган эди:

«Ҳам сўз ила элга ўлимдин нажот, Ҳам сўз ила топиб ўлик



НАВОИЙ

шу тилда асар яратиш- да балоғатга эришган шоир эканлигини ёзди: «Турк афзоси- нинг булагосидин Мав- лано Саккокий ва Мав- лано Лutfийким бири- нинг ширин абёти иш- тихори Туркистонда беғоят ва бирининг ла- тиф газалиёти интишо- ри Ироқ ва Хуросонда бениҳоят дурур ва ҳам девонлари мавжуд бўлғай».

Тарихий жуғрофий шароитни ва маълум абадий аъяналарни яқши тушунган, бошқа халқларнинг тил ва ма-

салар, икаласи тил била тенг ай- тсалар эрди».

Шоир ўз она тилида асар ёзишни ватанпарварлик иши деб, ўзбек шоирларини умр бўйи ўз она тилини, халқини, унинг ма- лонани тилини севишга чакирди. Аммо Навоийнинг кўп тушунти- ришлари, ҳаракатлари ўз замо- нидида каттик қийинчиликларга уч- ради. Унинг иқдор бўлишича, биринчи галда ўзбек аслзодала- ридан еттишган қўпгина иқтидор эгалари она тилларида асар ёзиб дурустгина хизмат кўрсата олма- ганлар. Натижада улар тажрибадан анчайин узоқлашиб қолган эди- лар. Навоий бундайлар ҳақида «Муҳокаматул луғатайн»да зўр та- халқларнинг тил ва ма-

даниятини доим ҳурмат қилиб, улардан ўрганган Навоий шоир- ларнинг бошқа тилларда ҳам, айниқса, форс-тожик тилларида асар ёзишлариға бутунлай қарши чикмаган, балки бунда белгилли чегара бўлишини истаган. Навоий «Муҳокаматул луғатайн»да ўзбек тилининг мустақил бой бир тил эканлигини исбот қилиб бўлгандан кейин, у ўзбек шоир- ларига қарата бу тилда ва бошқа тилларда асар ёзишининг ҳақ-че- гарасини белгилашга чаракат қилади: «Андин сўнграким, турк тилининг жомияти мунча далоли- бил собит бўлди, керак эрди- ким, бу халқ орасидан пайдо бўлган таъб аҳли салоҳият ва таъбларини ўз тиллари турғоч, ўзга тил била зоҳир қилмаси эрди ва ишга буюрмасалар эрди.

Ва агар икаласи тил била айтур қобилиятлари бўлса, ўз тиллари била кўпроқ айтсалар эрди. Ва яна бир тил била озроқ айтса- лар эрди. Ва агар муболага қил-

ёзди: «Турк улуси анинг хуш- таъб беклари ва мирзолари ва соҳибби зехн пок таъблари ва озодалари андоқки, керак маш- гуллик, асобиин туза олмадилар ва ул навъ таъб натижаси кўргу- за олмадиларки, андин хушгўй- лик умиди тутса бўлғай, балки бу умидин аларнинг рўзғори хонлиға ёвутса бўлғай, жоддан но- фармонлиг ва залолатни тутиб кўпи, балки бориси форсийға мойил бўдилар ва ул тил била назмға қойил. Бу иш мундин ўзга бўлолмаски, турк тили таърифид- да андоқки, юқорироқ мазкур бўлди: бовужуд афғоз қасрати ва иборат вусъати ва маоний гаро- бати ва адо салосати дилназир боғламоқта суубат бор ва дил- писан тартиб бермақта таъб, ранж ва уқубат топар».

Бу парчада Наво

Фаолларимиз

Лиза одатдагидек янги иш кунини режалаштирилган тартибда бошлади. Аввало, ҳисоботларни кўриб чиқиши лозим. Ундан сўнг, шахардаги шифоатхоналарда бўлиб, ходимлар учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишмоқчи. Тушдан сўнг янги аризалардаги муаммоларни ҳал этиш чораларини кўради. Шу пайт телефон кўнғирोगи жиринглади.

— Эшитаман.
— Опа, биз коллеждан кўнғирок қиляпмиз. Бугун тadbиримиз бор эди. Лиза бироз ўйланиб қолди.
— Майли, соат нечада?
— Иккида.
— Хўп, албатта, бораман.
Демак, вақтини янада тежаши лозим. Ахир, ушбу кенгаш тadbирга тақлиф қилаётган 1-Нукус тиббиёт коллежини оталиққа олган. Шу сабабли ўқув дар-



ТИФИЗ ТАҚСИМЛАНГАН КУНЛАР

гоҳида тез-тез бўлиб, талабалар билан суҳбатлар ўтказишади. Пахта мавсумида ҳам улар ҳолидан мунтазам хабар олиб, ҳосил йиғиштиришда кўмаклашадиган илгор хашарчиларга бир неча бор совға-саломлар улашади. Наврўз байрамида рангли телевизор, мамлакат мустақиллигининг ўн беш йиллиги ва янги ўқув йилининг бошланиши муносабати билан мусликий марказ совға қилишган эди.

Кенгаш томонидан уюштирилган меҳнат фахрийлари билан учрашув, "Ватаним-онам", "Ҳомийлик— улугъ фазилат", "Қиз бола одоби билан гўзал" мавзулардаги давра суҳбатлари жамоада катта таассурот қолдирган. Бундан ташқари, Меҳрибонлик уйдан келиб ўқиб-ўқитиб 5 нафар талабага "Ҳомийлик стипендияси"нинг бериб борилиши ва талабалар ётоқхонасига мунтазам ёрдам кўрсатилиши коллеж жамоасининг Кенгашга бўлган ҳурматини янада оширмоқда. Улар ўз ҳомийларининг барча тadbирларида иштирок этишларини истайдилар. Шундай бўлгач, тақлифини рад этиб бўладими?

Лиза ишга шўнғиди. Йилнинг тўққиз ойида "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" Давлат дастури асосида белгиланган режаларнинг қай бирлари бажарилиб, эътибордан четда қолган жамоа йўқми қайи саволларга жавоб излади.

Бу йил иш қўлами ҳар доимгидан анча кенг.
Кенгаш бирламчи вазибалар қаторига аҳолининг иқтисодий ночор қатламларига ҳомийлик кўрсатиши, кам таъминланган оилалар, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар, нафақадорлар, ногиронларга моддий ва маънавий мадд беришни режалаштирганди. Бунинг учун маҳалла кўмиталари билан ҳамкорлик механизми яратилди. Бу мақсад учун касабга уюшмаси 4713,1 минг сўм миқдорига маблаг ахратди.

Меҳнат жамоаларида имзоланган жамоа шартномалари ва келишувлари орқали корхона ходимларининг кам таъминланган, кўп болали оилалар, пенсионерлар, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийларига ҳамда байналмилалчи жангчиларга моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Шунингдек, кам таъминланган оилалардан 9, ёш оилалардан 4, ногиронлардан 2 тасининг дам олиш ва соғломлаштирилишига кўмакдош бўлинди.

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда барча болалар ўйлари, қариалар ва ногиронлар, соғлиқни сақлаш ташкилот ва муассасаларининг моддий-техника базасини муносиб даражада мустаҳкамлаш ва қўллаб-қувватлаш, жамоага маънавий кўмаклашиш бўйича доимий ёрдам ташкил қилинган. Мана шу ҳамкорлик доирасида Тахтиоташдаги болалар уйида, Республика болалар шифохонаси, Республика болалар сил касаллиқлари ва Ҳўжайли ревматизм са-

наторийларида, 1,2,3-Нукус тиббиёт коллежларида, "Полвон" спорт клубида, "9202" харбий қисмида ва бошқа кўплаб муассасаларда бўлишди. Улардаги ютуқ ва муаммолар билан танишишди.

Алоҳида хавфли ва зарарли шароитда фаолият юритиладиган тиббиёт муассасаларида қўшимча меҳнатни муҳофиза қилиш бўйича "Келишув" ишлаб чиқилди ва унда кўрсатилган тadbирларни бажариш назорат қилиб боришмоқда.

Кенгаш "Энг яхши шифокор", "Энг яхши ҳамшира", "Меҳрибон санитарка" танловларига ҳам ҳомийлик қилди.

Тармоқ ходимлари ва ўқувчи ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини яратиш, уларни спортга кенг жалб этиш, спортнинг оммавийлигини ошириш мақсадида жойларда турли мусобақалар ўтказиб келинмоқда.

Лиза рақам ва далилларга яна бир қарга куз югуртирар экан, ён дафтарига янги қайларни битди. Хар доим шундай, қилинган ишларни таҳлил қилиш жараёнида янги режалар ва гоғлар туғилади.

— Менга элдошларим орасида бўлиш, улар билан суҳбатлашиш, муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашиш ёқади,— дейди Лиза Байбосинова. — Касаба уюшмаларида бунинг учун имконият кўп. Шу боис ҳам мана шу соҳада ишлаётганимдан мамнунман.

Лиза тахтакўприклик. Қорақалпоғистоннинг кўйи туманларидан бири. Экологик муаммолар тўғрисида аҳоли ўртасида турли касалликлар учрайди. У ёш пайтида бу худудларда болалар ўлими кўп қайд қилинади. Ёш қиз қалбидан бу муаммоларни ечишга ҳисса қўшиш истаги пайдо бўлди ва орадан йиллар ўтиб болалар шифокори сифатида танилди.

1998 йилда Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш қўмиталари касабга уюшма Кенгашга ишга тақлиф қилишди. Ташкилий бўлим мудири сифатида кўплаб режаларни амалга оширди. Мана, уч йилдирки кенгаш раиси. Муаммоларини ечишда ёрдам сўраб келаётганларга доим елкадош.

— Шифокорлик — масъулиятли касб. Бунда мутахассис ўзгани дарддан фориғ қилиш учун ўзи дарддан, муаммодан узоқ бўлиши лозим. Узингизга маълум, қиш шифокорларимиз бутун билиминини, меҳрини бемалол намойиш этиш учун шароит ярати беришди,— дейди у. — Замонавий тиббиёт эндиликда энг чекка қишлоқларимизга ҳам кириб келмоқда. Яратилаётган шароитлар бизга илҳом бағишлайди, изланишга чорлайди.

Шифоатхоналарда бўлганида мана шу жиҳатларга эътибор қаратди, ваъдага мувофиқ, коллеждаги тadbирда ҳам иштирок этди. Яна ишга қайтиб, аризалар билан танишишда давом этди.

— Йил охирида бормоқда. Қиладиган ишларимиз эса кўп,— дейди кенгаш раиси. — Демак, кунларимизни тигиз тақсимлашимиз зарур.

Мухаббат Тўрабоева, "Ишонч" мухбири

Харбий хизмат — муқаддас бурч

Давлатимиз Ватан ҳимоячиларига доимо гамхўрлик кўрсатмоқда. «Умумий-харбий мажбурият ва харбий хизмат тўғрисида», «Муқobil хизмат тўғрисида»ги қонунлар, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлар сафида муқаддас харбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тadbирлари» тўғрисида»ги қарори мамлакатимиз фуқароларининг эл-юрт олдидаги муқаддас бурчларини муваффақиятли ўташи учун қулай шарт-шароит яратди.

Жануби-Ғарбий округнинг харбий қисмларидан бири. Бўлинка командири, майор Маматқул Тувалов ҳамроҳлигида аскарлар ҳаёти билан танишяпмиз. Машқ майдонларида қатъий интизом ўрнатилган. Ётоқхоналар тоза ва озода. Маънавият ва маърифат маркази, кутубхона, ошхона, стадион, ҳовлидаги гулзору-дарахтзорлардаги саранжом-сарилталик эътиборни тортади.

— Сафга тизилган норғул, буй-басти келишган, нигоҳидан ўт қанқайдиган йигитларга боқиб фахрланасан,— дейди батальон командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Юнус Бейназаров. — Оддий қуроллардан тортиб, замонавий харбий техника олишга, компьютер тизимини ҳам пухта ўлаштиришган.

Энг муҳими, жисмонан соғлом, руҳан баркамол йигитлар армия сафида чаққирисан. Уларнинг чеҳрасига боқиб, армиянинг гоғий этик, интеллектуал салоҳиятли аскарлари эканлигини сезиш қўйин эмас.

Харбий хизмат юксак шараф. Нон-туз берган, тепалопа болани забардаст фарзандга айлантирган Ватанга содиқ бўлиш, ҳар бир ўғил-қизнинг муқаддас бурчи.

Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигига қарашли Шайхали кўрғонига жойлашган харбий қисм ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Оркестр садолари янграйди. Ўзбекистон Республикаси

Офицерлар, ота-оналар, жамоатчилик вакиллари аскарларнинг Ватан олдидаги йигитлик бурчини бажаришларида муваффақиятлар тиладилар.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, бугунги аскар нафақат ватанпарвар фуқаро, балки давлат эътиборидаги шахс ҳисобланади. Янги қарорга кўра харбий хизматни ўтаганлар ва қисм кўмондонлигининг тавсияномаларини олган кишилар олий таълим муассасалари-

ВАТАН ЎҒЛОНЛАРИ

— Харбий хизмат давомида ёшлар чинчиқиб, харбий билим ва техникани пухта ўлаштирган, бутун борлигини она юрт ҳимоясига бахш этадиган жанговар фарзанд бўлиб шаклландилар,— дейди харбий қисм командири В. Бударников. — Мудофаа тизимидаги ислохотлар тўғрисида харбий хизмат матонат ва мардлик мактабига айланди.

Қисм фаолияти билан танишар эканмиз, харбий ҳаёт оқимида тобланган, бирон-бир касбни эгаллаган, харбий илмга чанқок, маънавий етуқ ёшлар Қуроли Кучларга чаққирилганини ҳис этамиз.

— Харбий хизматни ўтаган йигитлар вазин ва одоби бўлади,— дейди мамлакатимиздаги харбий қисмларда кўп бор учрашувлар ўтказган «Наврўз» жағмармаси вилоят бўлими раиси Рўзи Нурматов. — Ор-номусли, қатъиятли, содиқ ўғлонлар эл ишончи, она юрт тарбиясини оқламоқда.

га ўқишга киришига тест синовларида имтиёзли шартлар белгиланган. Самарқанд вилоятидан қоровул қўшинларида хизмат қилган оддий аскар Маъруф Маматов жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликда юқори натижаларга эришиб, харбий қисм кўмондонлигининг тавсиясини олишга сазовор бўлди.

Куч-ғайратли, қалби олов йигитлар киндик қони томан она юрти олдидаги фарзандлик бурчинини ўташ учун Қуроли Кучлар сафида қўшилдилар. Улкаимизнинг хар қарич ерини, тинч, осойишта ҳаётимизни, мустақиллигимизни ҳимоя қилиш қалб давватига айланган аскарлар юрагида ватанпарварлик тўғрисидаги жўш умароқда. Ватан ҳимояси ишончли қўлларда. Тинчлик кўрғони, серқўш диёримизнинг жасур ҳимоячилари бор.

И.СОМИДДИНОВ

ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХАЛАР

Маълумки, 2006-2007 ўқув йили республикаимизда «Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишда педагог кадрлар салоҳиятини ошириш ўқув йили» деб эълон қилинди. Шу сабабли ўқитувчиларда самарали фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилиш мақсадида ўқув йили дастури ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан тайёрланган бу йўриқнома бир неча босқичда амалга оширилди. Бунда халқаро инвестицион лойиҳалар ҳам кўл келди. Шу ўринда Жанубий Кореянинг имтиёзли кредити асосидаги «Умумтаълим мактабларини замонавий компьютерлар билан жиҳозлаш» лойиҳасини айтиб ўтиш жоиздир. Унга кўра, 1500 дан ортук умумтаълим мактабларини замонавий компьютер техникаси билан таъминлаш, мультимедиа умумтаълим дастурини ривожлантириш марказини ташкил этиш, шунингдек, таълим веб-портални ва интернет мактаб тармоғини йўлга қўйиш режалаштирилди.


Хитой Халқ республикасининг имтиёзли кредити ва грант маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳа ҳам эътиборни ўзига тортади. «Умумтаълим мактабларини замонавий компьютер синфлари билан жиҳозлаш» деб номланган бу лойиҳа доирасида мактабларга 2155 та синф компьютер мажмуалари ўрнатилмоқда.

Бундан ташқари, бу хайрли ишга Осиё ривожланиш ва тараққиёт банки ҳам бош қўшди. Унинг «Умумтаълим мактабларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш» лойиҳаси доирасида 1000 та мактаб кутубхоналарида ахборот-ресурс марказлари, 860 та етакчи кластер мактаблари ҳамда 90 та тажрибасинов билим ўчоқларининг жиҳозланиши режалаштирилди.

Мактаблардаги компьютер қурилмаларига сервис хизмати кўрсатиш кенг йўлга қўйилди. Акбар АЛИЕВ

ДИҚҚАТ: ГАЗ ҚУВУРЛАРИ

корхоналар, ташкилотлар, фермерлар уюшмаси раҳбарлари, турар-жой эгаларига



Газ қувурлари тармоғида шикаст етказишлигининг олдини олиш, газнинг узлуксиз етказиш берилишини таъминлаш учун газ қувурлари муҳофазаси қандалига қатъий риоя қилинган.

Газ қувурлари ўтган худудларда ер казиш, қурилиш ва монтаж ишларини амалга оширишдан аввал шахар ва туман газлаштириш идораларидан албатта, ёзма розилик олишингиз шарт. Бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида қуйидагилар қатъиян тақиқланади:

- Газлаштирилган иншоотларнинг шахар ва туман газлаштириш идоралари билан келишмаган ҳолда бузиш;
- мавжуд газ қувурларига ўзбошимчалик билан улашиш;
- газ қудуқларига тушиш, газ тақсимлаш пунктлари (ГТП) эшикларини очиш ва уларга кириш;
- газ қувурларидаги тўсгич арматурани очиш, бекитиш ёки ГТПда бошқа ҳаракатлар қилиш.

Пикент устунчаларига, деворий ёзувларга, ерости газ қувурларидаги бойламларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлинган. Ташқи газ қувурлари ва уларнинг тиргаларини шикастлардан асранган. Ёдда тутинг! Газ қувурларининг меъёрий ишлашига путур етказган мансабдор шахслар ва фуқаролар қонун билан белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

«Тошкентгазтаъминот» худудлараро унитар корхонаси



Бу хавфли!

Ўз ўзининг ўзинг асра

Кунларнинг бирида дугонанинг туғилган кунига борадиган бўлдим. Таксидан тушиб, ер ости йўлига орқали йўлнинг нариги бетига ўтишга тўғри келди. Йўлакка тушганимни биланман, аллақандай бадбўй хиддан кўнглим беҳузур бўлди.

Дугонанинг квартираси кўп қаватли турар-жойнинг 12-қаватида эди. Бораётим ён-атрофга назар солдим. Қоғоз ва чикиндилар уюми, синган шиша бўлақлари уй атрофида сочилиб ётар, мўъжаз «томорқача»ларнинг бири обод, бошқаси хароб эди.

Мўлжалдаги йўлакдан кириб, лифт тўғмасини босдим. Чироғ ёнмади. Тепадан харсиллаб тушиб келадиган кампир эътиборимни тортди.

— Кутманг, лифт ишламайди.
— Нега?
— Пули тўланмаган эмши. Икки ҳафтадан бери шу аҳвол. Жуда сиқилиб кетдим. Тоза хавода нафас олай деб, бир амаллаб тушиб келяпман.
— Нечанчи қаватда яшайсиз?
— Еттинчида,— деди у.
Сўнг инқиллаб-синқиллаб ташқарига чиқиб кетди. Ҳушим бошимдан учди. «Қандай қилиб қайтиб чи-

бир аёл кириб ўзини Барфин Омонтурдиева, деб таништиради.
— Келинг, онахон, нима гаплар?
— Қизимниқига келувдим, том тепаси таъмирталаб экан. Утган йили бироз чакка ўтибди. Узингизга маълум, қиш қиличини кўтариб келяпти. Қизимнинг бўлса қақалоғи бор.
— Қизингиз қайси уйда турарди? — деб раис «ариза,

МУАММОЛАР КАЛИТИ ҚЎЛИМИЗДА

қари экан» деган уй кўнглимдан ўтди. Бироз гангиб турдим. Қўлимда гул, совға-салом, сумка. Бир кўнглим «қайтиб кет» дейди. Ниҳоят, истар-истамас зинапоядан кўтарилдим. Йўлак файзсиз, таъмирталаб, деворлари кийр-чир. Тўққизинчи қаватга еганимда тинка-мадорим қуриди. Зинапоёга шаппа

ўтириб олдим. Шу лаҳзада яна кўнглим айнаб кетди. Аҳолимини кўриб дугонам хандон отиб қулди. Сўнг «Улмаган бизнинг жонимиз. Ҳовлида яшайсанда, билмайсан» деб қўйди.
У ҳақ эди. «Танаси бошқа дард билмас» деганларидек, бу гаплар ҳам эсимдан чиқиб кетди. Термиз шахар уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳамда «Родник» ширкатининг раиси Садриддин Отақуллов билан суҳбатлашиб ўтириб ўша воқеа эсимга тушди.
Гапнинг сираси бу ердаги уй-жойларнинг ён-атрофи озода, қуркам ва серфайз эди. Шу пайт эшикдан кекса

чиқарилди. 3 та уйнинг узунлиги 588 метрли ер ости кабели янглинди. Ертуладаги асосий электр-шитлар тузатилди. 52-уйнинг ер ости кабелини алмаштириш учун саяй-ҳаракат кўрсатилди. Хусусан, шу кунларда қишга тайёргарлик ишлари кетаяпти. Жумладан, 12-уйнинг томлари кўздан кечқилиб таъмирталаб жойлари таъмирланяпти. Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар

У ҳақ. Маслаҳатли тўй тарқамас дейдилар. Аҳиллик, меҳр-оқибат бор жойда файз-баракат, эзгулик ҳам бор.
Тафтиш комиссиясининг раиси, истезфодаги милиция майори Болта Кўчиров ҳам шу ҳақда ўйлайди. У кўп йиллар Ички ишлар вазирлигида меҳнат қилди. Вақти келиб пенсияга чиқди. Термизга қайтди. Аммо юрагида ўти бор инсон тиниб-тиниб туролмайди. Бинобарин, у ширкатдагилар билан баб-баравар «элим-юртим» деб ёниб юради.

Яхши-ёмон кунларда кишилар бир-бирига камар-баста. Ҳали айтиб ўтганимиздек, улар атрофи озода, саранжом-саришта. Ваҳоланки, бу ерлар қингинида чикиндилар макони бўлиб, унда пашшалар гужғон уйнади. Мавжуд довдарахтлар, гуллар парваршига қаралди. Янгилири экилди. Электр чироғи «лип» этиб ўчиб, асабга тегаверарди. Бунга чек қўйилди. Газ, сув масаласида ҳам бирмунча илгари силжиш сезилляпти. Бунёд этилган ажайиб гузар барчани хурсанд қиляпти.
Ечилмайдиган жумбоқнинг ўзи йўқ. Агар яхшилаб ўйлаб қўрилса, муаммоларнинг калити қўлимиздадир.
Шарофат НОРҚУЛОВА, «Ишонч» мухбири

Logo of the Union of Professional Associations of the Republic of Uzbekistan. Text: БОШ МУХАРРИР Абдуқолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ. Таҳрир хайъати: Алла Долженкова, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзохид Содиқов, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллоев, Шавкат Абдуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёқубов, Фуломзоқир Юсупов. Бизга кўнғирок қилинг: Котибият 153-52-78. Бўлимлар: Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими: 153-87-63. Ижтимоий-иқтисодий сиёсат бўлими: 153-87-74. Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими: 153-87-73. Миллий-маънавий кадрятлар ва спорт бўлими: 153-82-79. Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлими: 153-85-43. Реклама ва эълонлар бўлими: 153-03-90. БИЗНИНГ МАНЗИЛ: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru. Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади. Навбатчи котиб - А.Алламуродов. Навбатчи муҳаррир - А.Ҳақбердиев. Навбатчи - Р.Сўраев. Мусахҳах - А.Ёрбеков. Саҳифаловчи-дизайнер: З.Бакиров. Ю.Михайловский. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерларида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 20.30. Буюртма Г— 1315. Тиражи: 7553.